САЙЛОВДА МУНОСИБЛАРГА ОВОЗ БЕРАМИЗ 2-бет
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар
ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ 6-бет
БОШҚОТИРМА. ЕЧИМИНИ ТОПИНГ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 216 (10.269) / 2004 ЙИЛ 5 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида талабаларнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари билан сайловолди учрашуви уюштирилди.

● **ЭРТАГА** «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида шаҳримизда «Оролбўйи оналари ва болаларига» шиори остида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «ЭКОСАН» халқаро хайрия жамғармаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари, Ободонлаштириш бош бошқармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида экология ҳашари уюштирилади.

● **ЭРТАГА** Миробод туманидаги 94-мактабда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида мактаб ўқувчилари ўртасида волейбол бўйича мусобақалар ўтказилади.

● **ЎТГАН** куни шаҳримиздаги Собир Раҳимов номидаги маҳаллада фаоллар иштирокида уюштирилган тадбир «Қизлар маънавияти» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги ахборот технологиялари лицейида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Терроризм — аср вабоси» мавзуида ўтказилган тадбирда ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги академик лицейда «XXI асрга — гиёванд моддаларсиз» мавзуида бўлиб ўтган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

«Кумуш» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган турли ҳажмдаги кумуш қошиқ, санчқи ва пичоқлар ўзининг бежирим кўриниши билан харидорлар эътиборига тушган.



**СУРАТДА: корхона участка устаси Вазира Исроилова янги маҳсулотлар билан.**

## САЙЛОВГА БАҒИШЛАНДИ

**26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

**Пойтахтдаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида хорижлик экспертлар ҳамда мутахассислар иштирокида учрашув ўтказилди. Унда яқинда мамлакатимизда ўтказилажак икки палатали парламент сайловларига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.**

Тадбирда иштирок этган хориж экспертларидан бири Антони Люке мазкур институтнинг фаолияти ва унинг сайлов жараёнидаги ўрни ҳақида маълумот берди.

— Бизнинг мақсадимиз икки палатали парламент тажрибаси ва фуқаролик жамияти асосларини яратиш бўйича ўзаро фикр алмашишдир. Демократик тамойилларга тўла жавоб берадиган даражада сайлов кампанияларини ташкил этиш, айниқса, партиялар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини белгиланган қонун даражасида амалга ошириш ҳар томонлама фойдалидир. Шунингдек, сайловларда иштирок этувчи кенг жамоатчиликка етарлича шарт-шароитлар яратиш ҳам сайлов жараёнларининг мазмунли ўтишини таъминлайди.

Маълумки, Украинада ҳам бундай сиёсий тадбирнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда ушбу давлатдан ташриф буюрган эксперт Украина аҳолиси бу сиёсий жараёнга қай даражада тайёргарлик кўрганлиги ҳақида маълумот берди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ, "Туркистон-пресс"**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Тошкент Давлат юридик институти томонидан «Янги парламент—менинг келажагим» мавзуи остида ташкил қилинган марафоннинг 3-босқичи бошланди.**

## МАРАФОННИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Мазкур марафонни ташкил этишдан асосий мақсад — ёшлар ўртасида маданий ва ҳуқуқий саводхонликни оширишдан иборатдир. Марафон дастуридан «Ўзбекистон Республикасидаги сайловчининг ҳуқуқи», «Икки палатали парламент» мавзуларидаги маърузалар, семинар ва тренинглар ўрин олган. Шу боис, 3-босқичга бириктирилган 30 кишидан иборат гуруҳ аъзолари Республикамизнинг чекка ҳудудларида юқорида кўрсатилган дастурга мувофиқ ишларни амалга оширишмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, сайловнинг моҳиятига қаратилган ушбу марафоннинг биринчи босқичи март-апрель ойлари Тошкентда бўлиб ўтганди. Унда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлимининг бошланғич ташкилотлари аъзолари ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари фаол иштирок этган.

Марафоннинг 2-босқичи июль-август ойлари Тошкентдаги «Ёзни «Камолот» билан» акцияси доирасида ўтказилди. Унга пойтахтнинг 50 та маҳалласи жалб этилди.

Бундан ташқари «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими етакчилари, Тошкент Давлат юридик институти ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари Сирдарё вилоятидаги ёшлар билан учрашув ўтказдилар. Унда сайловчининг ҳуқуқи ҳамда икки палатали парламентнинг мазмун-моҳияти маърузалар, семинарлар ҳамда тренинглар ёрдамида очиб берилди.

Сирдарёдаги марафоннинг сўнгида Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

5-7 ноябрь кунлари эса Тошкент-Самарқанд-Жиззах-Тошкент йўналиши бўйича ташвиқот автобуси йўл олади. Марафоннинг 3-босқичи Республикамизнинг 12 вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини қамраб, у ерда сайлов билан боғлиқ барча масалалар юзасидан таништирув жараёни ўтказилади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойишга имзо чекди.**

● **Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси муҳокама қилинди.**

● **Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида «Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзуидаги халқаро давра суҳбати бошланди.**

● **Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Республика Олий аттестация комиссияси ва Миллий кутубхона томонидан яратилган илмий-маърифий электрон ахборот ресурсларининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

● **Избоскан педагогика коллежи негизида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари бирламчи ташкилотлари илғор тажриба мактабини ташкил этишга қарор қилинди.**

### Жаҳонда

● **Украинада бўлиб ўтган президентлик сайловининг биринчи босқичи натижалари халқаро кузатувчилар иштирокида кўриб чиқилди. 97,67 фоиз бюллетень ҳисоблангач, амалдаги Бош вазир Виктор Янукович 39,88, мухолифат вакили Виктор Юшенко эса 39,22 фоиз овоз олгани маълум бўлди.**

● **Франция пойтахтида даволанаётган Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатнинг соғлиғи кескин ёмонлашди — сўнгги кун ичида у уч марта ҳушидан кетди.**

● **Испанияда содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Гумон қилиниб ҳибсга олинган 8 нафар экстремистнинг маълумотига кўра, улар Мадриддаги «Сантяго Бернабеу» стадиони ва Халқ партияси офиси олдида портлашлар уюштирмоқчи бўлишган.**

● **Красноярск ўлкасидаги Туруханск шаҳри яқинида «Турухан-Авиа» компаниясига қарашли Ми-8 вертолёти ҳалокатга учради. Натижада бир киши ҳалок бўлди, икки нафар йўловчи эса турли даражадаги жароҳатлар олди.**

*Обуна — 2005*

## «ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

**Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2005 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни таҳририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.**

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» таҳририяти ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рукнлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.

**26**
**декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

*Икки палатали парламент афзалликлари*

# БУГУНГИ КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАСИ

**Маълумки, 2002 йил январда бўлиб ўтган референдумда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мутлақ кўпчилиги икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз берди. Халқ иродасига асосланиб, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни қабул қилинди, қонунчилик ишининг асосий йўналишлари белгиланди. Шу йилнинг сентябрь ойида Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ 26 декабрь мамлакатимизда сайловлар куни деб белгиланди. Республикамиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеалардан бири сифатида баҳоланаётган бўлажак сайловлар ва унда партияларнинг ўрни, фуқароларимизнинг бу жараёнга нисбатан фаолликларини аниқлаш мақсадида турли касб эгаларининг бир нечтасини суҳбатга тортдик.**

**Самариддин АЛЛАМОВ, ёш сиёсатшунос:**

— Олий Мажлисга олдинги бўлиб ўтган сайловлардан фарқли равишда бу йилги сайловда Сенат ва Қонунчилик палаталарига депутатлар сайланади. Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши Олий Мажлис ишини янада жадаллаштириши турган гап. Сайловда иштирок этадиган партиялар имкониятлари ҳақида ўз фикримни айтадиган бўлсам сиёсий саҳнага эндигина кириб келаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси имкониятларини юқори баҳолайман. Назаримда, бу партия тадбиркор ва ишбилармонларнинг эркинликларини ёқлаб чиқмоқда.

**Сангин РЎЗИЕВ, талаба:**

— Республикамизда икки палатали парламентга ўтилишини тарихий ютуқ сифатида баҳолайман. Энди Олий Мажлис олдингидек сессиялар шаклида ишламай, Қонунчилик палатаси доимий ва профессионал шаклда ишловчи палатага айланади. Натижада, унга сайланган депутатларнинг доимий иши, асосий машғулоти қонунчилик фаолиятидан иборат бўлади. Улар учун депутатлик касб-корга айланади, демак, улар қонунлар тайёрлаш ва қабул қилишдан бўлак фаолият билан шуғулланмайдилар. Бу эса қабул қилинажак қонунларнинг янада пишиқ-пухта бўлишига олиб келиши табиий.

**Ҳамза ЁҚУБОВ, журналист:**

— Қонунчилик палатаси депутатларининг асосан сиёсий партия вакилларидан иборат бўлиши партияларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги фаоллигини оширишга муҳим туртки бўлади. Демак, энди парламентга номзод кўрсатаётган вақтда партиялар номзодларнинг мансабига, кўрсатган хизматларига қарамай, уларнинг қонунчиликни қай даражада тушунишига эътиборни қаратадилар. Ўз навбатида партиялар ўз сафларига имкон қадар фаол, билимли, заҳматкаш кишиларни жалб қилишга ҳаракат қиладилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Қонунчилик палатасининг мансабдор шахслар, давлат арбобларидан ҳоли бўлиши депутатларга ўз фикрини эркин баён қилиш имконини беради. Дунё тажрибасига кўра, доимий ишловчи қуйи палатанинг мавжудлиги ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини кучайтириш имконини беради.

**Раимкул СУЯРОВ ёзиб олди**

**Шаҳримизда ёшларнинг камолоти, маънавияти ва истеъдодларини юксалтириш ҳамда уларнинг ижодий парвозларига қанот бўлиш мақсадида ёшларнинг устоз шоир ва ёзувчилар билан учрашувлари ташкил қилинмоқда. Зеро, халқимизда «Устоз отангдек улуғ» деган нақл бор. Ёш ижодкорларнинг имкониятларини кенгайтириш ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади.**

*Тадбирлар*

# ОНА ВАТАН МАДҲИ

Яқинда, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биносида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида «Ватаним, деб сени уйғондим» номли маданий-маърифий кеча ўтказилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев ҳамда бошқа таниқли маданият ва адабиёт намояндалари, кўплаб шеърият ихлосмандлари шунингдек, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари иштирок этдилар. Ушбу тадбирда Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаларининг бири-биридан гўзал шеърлари янгради.

Ҳозирда мамлакатимизда ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолияти давомида ёш ижодкорларнинг 20 дан ортиқ тўпламларини чоп этди. «Адабиёт» жамғармаси нашриётида босилган «Ватаним, деб сени уйғондим» деб номланган ёш ижодкорлар тўплами фикримиз далилидир.

Тадбирда она Ватан мадҳи, юртимизнинг серқуёш осмони, қолаверса, кундан-кунга чирой очиб бораётган шаҳримизни куйловчи, севги-муҳаббат мавзуларини тараннум этгувчи кўпгина шеърлар ўқилди.

«Бу кўҳна заминимизда истеъдодсиз фарзанд йўқ, дейди Юртбошимиз. Фақатгина истеъдодини намойиш этишда уларга ёрдам бериш, уларни саралаш, рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратиш даркор. Республика ёш шоир-ёзувчиларнинг анъанавий Зомин анжуманининг ўтказиб келинаётганлиги бунга мисол бўла олади. Ҳозирда уюшма қошида «Онажоним шеърият» ижодий тўгараги ва бошқа кенгашлар иш олиб бормоқда. Ижодкор ёшларнинг таржимонлик қобилиятини шакллантиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг ўз мақсадларига эришиш, интеллектуал салоҳиятларини юзага чиқаришда бошқа жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганлиги қувонарлидир.

**Юлдуз УСМОН**

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРА БЕРМОҚДА

**Мамлакатимизда айни пайтда турли русумдаги бир миллионга яқин автомобиль бор. Улар учун ҳар йили салкам 12 миллион АҚШ доллари миқдоридаги автомобиль фильтри импорт қилинар эди. Эндиликда «Компрессор» очиқ акциядорлик жамияти мижозларга нисбатан арзон ва сифатли бундай эҳтиёт қисмни кўплаб миқдорда етказиб бера бошлади.**

Бунда Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 14 январда қабул қилган «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор муҳим омил бўлаётир.

Корхона аҳли 2005 йилда маҳаллий хомашё асосида 85 минг донадан зиёд фильтр тайёрлашни мўлжаллаган. Бу эса айни турдаги маҳсулот импортини кескин камайтиради.

**Лазиз РАҲМАТОВ**
**ЎзА**

*Маҳаллаларда*

# АЁЛ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида шаҳримиздаги ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчиларини ўқитиш, билим савиясини бойитиш кўзланган учрашувлар бўлиб ўтмоқда.**

Юртбошимиз Фармонларининг аҳамияти, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги иштирокини янада тўлароқ таъминлаш каби қатор мақсадлар йўлида олиб борилаётган юмушларга қаратди.

Шунингдек Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор Омина Каримова «Она ва бола қонун ҳимоясида», Марказий поликлиника бош шифокори Саодат Ибрагимова «Оналик ва болаликни муҳафаза қилиш», Халқ таълими аълочиси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков «Диний экстремизм ва терроризм муаммоларида хотин-қизлар масаласи», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси дин ишлари қўмитаси аёллар шўъбаси раиси Иқбол Исмоилова «Фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолиятининг асосий йўналишлари» каби мавзуларда сўзга чиқиб, оила, жамият ва давлат қурилиши борасида аёллар мавқеини ошириш бўйича ишлаб чиқилаётган янги дастур ва чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўзларининг бу борадаги фикрларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

Қизғин савол-жавоблар, қизиқарли фикр-мулоҳазаларга бой ўтган ушбу тадбирда «Ўриксор» маҳалласи фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди.

Хусусан, Акмал Икромов туманидаги «Ўриксор» маҳалласида бўлиб ўтган «Хотин-қизларга диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия беришда маҳалла фуқаролар йиғинининг вазифалари» мавзуида ўтказилган тадбир ҳам айнан юқорида айтиб ўтилган мақсадларга бағишланди.

Туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Ўриксор» маҳалласи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда тумандаги мавжуд 50 та маҳалланинг хотин-қизлар комиссиялари раислари, фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари иштирок этдилар.

Тадбирни туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Ғиёсова очар экан, йиғилганлар эътиборини

**Шоира МУХАМЕДОВА**

*Сўранг, жавоб берамиз*

**Мен тақдир тақозоси билан 1994 йилда Тожикистон Республикасида яшовчи бир йигитга турмушга чиқдим. Уч йилдан кейин эса муросамиз тўғри келмай икки нафар фарзандим билан ажрашиб кетдим. Ҳозир Тошкентда, ўз ота-онамнинг уйида яшаяпман. Паспортим эса Тожикистонники. Бир неча йилдирки Ўзбекистон паспортини ололмаяпман. Нима қилишим керак?**

**Ф.Ҳабибуллаева,**
**уй бекаси.**

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 1992 йил 2 июлда қабул қилинган қонуннинг 17-моддасига асосан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосларига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун иккита шарт талаб қилинади:
1. Чет эл фуқаролигидан воз кечиши;
2. Кейинги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши.

Ушбу қонуннинг 33-моддасига кўра, фуқаролик масалаларига оид аризалар Ўзбекистон Республикаси Президенти номига доимий истиқомат жойингиздаги ички ишлар идоралари орқали топширилади. Қонуннинг 37-моддасига асосан, фуқаролик масалаларига оид ариза юзасидан ички ишлар идораси асосланган хулосасини чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссиясига юборади. Фуқаролик масалаларига оид аризаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

* * *

**Менга уй-жой қуриш учун 8 сотих ер участкаси ажратиб берилганди. Лекин икки йил мобайнида қурилиш ишларини олиб бора олмадим. Ушбу ер участкаси мени огоҳлантирмай туриб олиб қўйилиши мумкинми?**

**М.Солиҳов,**
**ишчи.**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига кўра, белгиланган тартибда фуқароларга берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаса, ер участкалари олиб қўйилади. Ушбу кодекснинг 38-моддасида белгилаб қўйилганидек, ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Яъни, фуқароларни огоҳлантирмай туриб ер участкалари олиб қўйилмайди. Шундай бўлган тақдирда ўзингиз истиқомат қиладиган туман ёки шаҳар судига шикоят билан мурожаат қилишингиз мумкин.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш бўйича

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

**2004 ЙИЛ 26 ОКТЯБРДА** ўтказилган танлов савдолари натижасига кўра, қуйидаги паст ликвидли давлат активлари (акция пакетлари) инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

## Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилган давлат активлари РЎЙХАТИ

| № | Корхона номи | Манзили | Низом жамғармасидаги давлат активи, % | | Инвесторнинг таклифлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | Шу жумладан давлат улуши | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик) | Инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн.сўм) | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | «Ўздонмаҳсулот ахборот ҳисоблаш маркази» ОАЖ | Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй | 50 | 25 | Фаолият турини сақлаб қолиш | 55,1695 | 1 |
| 2 | «Ўзбекистон Республикаси видеомаркази» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2"А"-уй | 93,19 | 93,19 | Фаолият турини сақлаб қолиш | 41,0 | 0,5 |

**Шунингдек, ҳудудий танлов комиссияси газетхонлардан узр сўраган ҳолда, газетанинг 2004 йил 20 октябрдаги 204-сонида чоп этилган савдо натижалари тўғрисидаги эълонда «10 октябрда» сўзлари ўрнига «12 октябрда» сўзлари ўқилиши лозимлигини маълум қилади.**

Маълумот учун телефонлар: 133-22-98; 133-39-57.






## ХАРИДОРЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50 баёнига биноан шу йил 16-19 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Халқ истеъмол моллари регионал ярмаркаси» Навоий кўчаси, 25-уйда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «ЎзМАДпарранда» компаниялари, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциянерлик корпорацияси, «Озиқовқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари хусусий тадбиркорлар ва «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акционерлик компаниялари томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, спиртли ва алкоголсиз ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларга республика ҳудудида жойлашган барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш учун улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.*



*Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.*

*Ярмаркага марҳамат!*

«Ўзбексавдо» акционерлик компанияси

Телефонлар: 139-46-97, 139-48-26, 139-49-00, 139-43-66


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### ДЕРАЗАНИ СИНДИРИБ

**Муқаддам судланган, лекин бундан ўзига тўғри хулоса чиқариб олмасдан бекорчи бўлиб юрган Бахтиёр осон пул топиш илинжида изғир эди.**

У Қора-Қамиш 1/2 даҳасидаги «Назаров Азамат» хусусий озиқ-овқат дўкони ёнидан ўтиб кета туриб, ичкарига мўралади. Атрофда ҳеч ким йўқ. Қулай пайт. У дўкон қоровулини кўзи илғамаган экан шекилли ойнани синдириб ичкарига кирди. Дўкон қоровули Р.Мансур воқеадан воқиф бўлиб тез етиб келганида ҳам жиноятчи унга куч ишлатиш йўли билан 131140 сўмлик мол-мулкни олиб қочиб кетди. Аммо у узоққа кета олмади. «Тун» махсус тадбирига жалб қилинган ички ишлар ходимлари жиноятчини далилий ашё билан қўлга олишди.

### ЮЛҒИЧ МЕҲМОН

**«Меҳмон отангдек улуғ». С.Валентина ҳам уйига Т.Азизнинг меҳмон бўлиб келганлигидан хурсанд эди.**

Лекин бир оз вақт ўтиб, меҳмоннинг феъли айниди. У нафснинг исканжасига тушди-қўйди. Меҳмон Валентинани қўрқитиб, унинг бир дона гиламини, чинни идишлар термаси ва бир дона қозонини тортиб олиб қочиб кетди. Валентина дарҳол «02»га сим қоқди. Жиноятчи тез орада ушланиб, олиб кетилган нарсалар эгасига қайтарилди.

### ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРИЛГАН АВТОУЛОВ

**И.Юнусга тегишли бўлган «Мерседес-Бенц» русумли автоулов М.Улуғбек тумани Марказ 2 даҳаси, 13-уй олдида турар эди.**

Ҳеч қаерда ишламайдиган Т.Ориф исмли шахс мазкур машинани икки соатлар чамаси кузатиб турди. Эгаси келавермагач, ўзида мавжуд бўлган калитлар шодасидан бирини олдида автоулов эшигини очди. Кейин «JVC» автомагнитоласини олиб воқеа жойидан ғойиб бўлди. Бироз вақт ўтиб автоулов эгаси келиб воқеадан воқиф бўлди. У дарҳол ички ишлар ходимларига мурожаат қилди. Кўп вақт ўтмай жиноятчи ушланди. Ҳозирда у панжара ортида ўз қилмиши учун жавоб бермоқда.

**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази материаллари асосида Сарвар СОБИРОВ тайёрлади.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси газета комплекси бошлиғи Ҳабибулла Турсунов ва офсет босма цехи матбаачиси Убайдулла Турсуновларга оналари

**Шаҳодат СУЛТОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА

**Ҳажвия**

Йигит кишига омад кулиб боқиши ҳеч гап эмас экан. Ёғоч-тахта омборхонасига бошлиқ бўлдим-у, обрўйим ўз-ўзидан ошиб кетди. Тинч ва осойишта ҳовлимиз бир зум гўё боларининг уясига айланди, қолди.

Ёшим 40 га кириб, катта аммамнинг қизининг ўғлию, ойимнинг тоғалари хотинининг укаси борлигини энди билибман-а. Ҳамма мендан айланиб ўргилади. Баъзилар борди-келдимиз камайиб кетганлигидан гинахонлик қилишади. Хуллас бундан кейин қариндошлик ришталарини узмаслик кераклигини қайта-қайта уқтиришади.

Ён-атрофимизда яшовчилар эса икки гапнинг бирида узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг афзаллигини писанда қилишади. Улфатларимни айтмайсизми, чойхонадами, уйдами, қаерда тўпланмайлик давра тўри меники. Ҳатто таомхонага кирсак мени ўтказишга курси излаб қолишади. Бир пиёла «май» устида ҳам шаънимга узундан-узоқ мақтов сўзлар айтилади. Бу ҳам етмагандек, «юракка яқин» дўстларим гоҳ лабимдан, гоҳ юзимдан чўпиллатиб ўпишади.

Тавба, ёр-биродарларим ўртасида шунчалик обрўйим борлигини наҳотки илгарилари пайқамаган бўлсам. Кўпчилик бу таажжубимни камтарликка йўяди. Уларнинг айтишича «камтарга камол» деган сўзнинг андозаси ҳам аслида мендан олинган эмиш.

- Хуллас, бошлиқ этиб тайинланганлигимнинг учинчи куни эшикдан аммам кириб келди. Дадам билан ойим у ёқда, тўсатдан мени қучоқлаб кетди.

— Вой бўйгинангга аммангг қоқиндиқ Тешавой. Отагинам раҳматлик тўғри башорат қилган эканлар ўшанда. Сени орқаларига ортмоқлаб олиб, кўча-кўйда ҳаммага мана шу неварамнинг пешонаси ярқираган деганлари рост экан.

Тўсатдан отаси эсига тушиб, уввос солган аммамни дадам зўр-базўр тинчитди.

— Ҳой, болажоним. Ану тахта сақланадиған омборга каттакон бўлибсан деб эшитдим, тўғрими?

Бошим билан тасдиқ ишорасини қиламан.

— Илоё тупроқ олсанг олтин бўлсин, — дейди аммам баттар жазавага тушиб. — Куёвим ўлгур каталакдек уйни бир неча йилдан бери битқаза олмайди. Энди тахта-пахтадан ўзинг ёрдамлашиб юборасан-да?

Ахир, бир оғиз арзимаган сўз учун шу кунгача биз билан аччиқ- араз бўлиб юрган аммамнинг айтганини қилмай бўладими? «Жигарчилик» устун келиб, энди биз билан тил топишиб турганда, унинг илтимосини рад этиш ёниб турган керосинга сув сепиш билан баробар эмас-ми?

Аммам эшикдан чиқмай туриб, ойимнинг тоғаси халлослаганча кириб келди.

— Оббо, жиян-э, эшитиб кўп хурсанд бўлдим-да. Очиғини айтсам, жиян тоғасига тортади деган сўзга шу чоққача ишонмай юрардим. Энди чиппа-чин ишондим, — деди у мен билан қўш қўллашиб кўриша туриб. Кейин менга ҳалол ишлаш, илло қинғир ишга қўл урмасликни насиҳат қилди. Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи-ю, тоға-жияннинг бир-бирига муносабати ҳам суҳбат мавзуидан четлаб қолмади.

Хуллас, тоғам хотинининг укасига уч куба тахта керак бўлиб қолганлигини айтди. Ахир, ойимнинг тоғаси озиб-ёзиб «остонамизга бош уриб» келса-ю, мен қўлимдан келадиган ишни бажармасам инсофданми?

Ён қўшнимиз Эгамберди туршакни қаранг-а. У киши (лақаби шунақа) менинг акахоним бўлар эканлар-у, мен ландовур буни сезмай юрарканман-а. Қиёматли акам хушхабарни эшитиб чиқибдила. Акахонимиз хайрлаша туриб, кўп эмас, атиги 20 дона 50 сантиметрлик тахта илтимос қилдилар. Кап-катта одам олдингда тавозе қилиб турса ғалати ҳолга тушиб қоларкансан. Оғайниларни айтмай қўя қолай. Бири келиб, бири кетиб туришибди. Юз амри истиқлик қилиб уларнинг «арзимаган» истаклари мен учун амри вожиб бўлиб турибди.

Хуллас, амал курсисига ўтирганимга икки ой тўлар-тўлмас озиб чўп устихон бўлиб кетдим. Кундузлари у-бу билан овора бўлиб кетаман-у, аммо кечалари тиканакка ағанаб чиқаман. Тушимда нуқул омборхонани назоратчилар босган кўринади. Дил тортиб бу ҳақда яқинларимга ёрилсам, улар ҳиринглаб, «одатда тушнинг акси бўлади» дейишади. Ўйлаб турсам ишнинг охири вой. Дадам ҳам бир нарсани сезгандек, ақлинг борида этагингни ёпга тушиб қолдилар. Ниҳоят аризамга биноан ишдан бўшадиму, уйимиз сув қуйгандек тинчиди-қолди.

Тавба, мени бир кун кўрмаса «ўлиб қоладиган» аммам, ойимнинг тоғаси, ён қўшнимиз Эгамберди ака ва «қатордан норинг бўлса...»деб мени еру-кўкка ишонмайдиган ўртоқларим қани? Сўнгги кунларда кўча-кўйда қулоққа чалинаётган «Тўравой қамалиб қолибди» деган сўзларни ишқилиб улар тарқатишмаётганмикин?

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Бўш вақтингизда*

## ЧАЙНКРОССВОРД

1. Пойтахтимиздаги кўл. 2. Японияда ишлаб чиқарилган автомобиль маркаси. 3. Уруғ, элат. 4. Яхна, миллий таом. 5. Қон томири тури. 6. Қадимда Европа мамлакатларида фойдаланилган содда ҳисоблаш асбоби. 7. Фасл. 8. Бронза кукунидан тайёрланган буюмга жило берувчи бўёқ. 9. Янги алифбодаги ўзбек ёзуви. 10. Дарёнинг яна бир атамаси. 11. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 12. Билимни синаш усули. 13. Ёриткич қурилмаси тури. 14. Хушбўй ошкўк. 15. Фикрни сўз асосида ифодалаш қобилияти. 16. Тиниш белгиси. 17. АҚШ парламентининг юқори палатаси. 18. Қадимги юнон муаррихи Геродот асос солган фан. 19. Вилоят. 20. Йил тақвими ватани. 21. Экранлаштирилган ҳинд эпоси қаҳрамони. 22. Ўн икки йиллик даврийликка асосланган йил ҳисоби. 23. Илк олимпия ўйинлари ғолиби, Юнонистоннинг миллий қаҳрамони. 24. Шамсия йили ҳисобидаги иккинчи ой. 25. Олий ўқув юрти раҳбари. 26. Мусиқа асари тури. 27. Бир хонанда, бир асбоб асосида ижро этиладиган қўшиқ, куй. 28. Эроннинг жанубий ғарбидаги шаҳар. 29. Кумушнинг китобий атамаси. 30. Цирк майдони. 31. Футбол атамаси. 32. Сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1 Оғир атлетика тури — 8,9,1,2,6,1.

2. Шарқда Миррих номи билан аталган сайёра — 11,1,4,5.

3. Ўзбек халқ мақоми — 7,1,3,9.

4. Тундан кунга ўтиш вақти — 10,4,9,2.

Энди очқич жавобларидаги сўзлар асосида шаклнинг ички хоналаридаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан Шарқ ҳикматларидан бирини ўқишга муваффақ бўласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 22 октябрь сонида берилган КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Энига:** 7.Бегемот. 8.Синодик. 10.Авиация. 13.Уммон. 14.Тилим. 15.Жигар. 16.Калий. 20.«Ўртар». 21.Савоб. 25.Банорас. 27.Девонов. 28.Пармуда.

**Бўйига:** 1.Теорема. 3.Ҳолва. 4.Билим. 6.Лодиғин. 9.Гагра. 11.Ромитан. 12.Силикат. 17.Трейлер. 18.Илғор. 19.Команда. 22.Хазон. 23.Челак.

**Ёйлар бўйича:** 2.Чегара. 5.Долчин. 24.Айблов. 26.Ҳалима.

**Рақамли хонадан соат мили бўйича:** 29.Стабилизатор.

**Муаммонома**

**Табассум — малоҳатнинг гули (Ҳикмат).**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-109.

1 2 3 4 6